

«Саодатга элтувчи билим» китобида «аввал хам қиёмат бўлган» деб ёзилган.

20:49 / 27.04.2016 14037

«Саодатга элтувчи билим» китобида «аввал хам қиёмат бўлган» деб ёзилган. Муаллиф кайси маълумотларга таянпти? Муаллиф – Абдулхай Абдурахмонов

Албатта бу саволни «Саодатга элтувчи билим» китобининг муаллифига берилиш керак. Чунки биз аввал хам қиёмат бўлганлиги ҳақида мутлақо маълумотга эга эмасмиз. Ва бошқа мусулмонларда ҳам бу эътиқод, бу гап мутлақо бўлмаган. «Саодатга элтувчи билим» китобининг муаллифи агар шу нарсани ёзганлари рос бўлса қайсидир бошқа бир миллатга, динга, диёнатга таалуқли жойдан олган бўлади. Бу китобни соҳиблари, муаллифлари мени ҳузуримга ҳам бир келиб қисқача суҳбатлашиб кетганлар. Шунда ўзлари эътироф қилиб айтдиларки "мени мутлақо дини илмим йўқ, шунингдек ёзувчи ҳам эмасман, мени мутахасислигим бошқа соҳада, лекин ўзим турли китобларни ўқишни яхши кўраман, ўзимча ўйлаб мен ўқиган, тўплаган маълумотларни бошқалар ҳам ўқиса яхши бўлса керак деб шу китобни тўплаган эдим, уни баъзи-бир катта одамлар қўллаб-қувватлашди, ёрдам беришди, ҳар ҳил шароитларни яратишди ва китоб шаклида чиқди" деган маънони айтган. Ана шундай бўладиган бўлса биз бу китоб бир танишганимизда ичида тавротдан ҳам инжилдан ҳам бор, яна қаердандир ана шундай ҳар ҳил китоблардан маълумотларни ҳам гувоҳи бўлганмиз. Ва бизни динимиз таълимотларига, шариат аҳкомларига мутлақо хилоф бўлган нарсалар ҳам кўплигини кўпчилик гувоҳи бўлган. Шуларнинг ичида мана аввал хам қиёмат бўлган деган маълумот ҳам бор экан. Мўмин - мусулмон инсон бу гапга мутлақо ишонмаслиги керак. Қиёмат бўлишини Аллоҳ таоло эълон қилган, қачон бўлишини қайси кунда ёки ойда бўлишини, соатда бўлишини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади, аввал қиёмат бўлган эмас, энди бўлади кейин бўлади.